

“Ўзбек геология кидирув” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлисининг
11-2024-сонли БАЁННОМАСИ

Ўтказилган сана:

2024 йил 11 октябрь

Баённома тузилган сана:

2024 йил 14 октябрь

Мажлис ўтказилган вақт:

соат 10:00 дан 13:00 гача

Мажлис ўтказилган жой:

Тошкент шаҳар, Бобир кўчаси 15-уй,
мажлислар зали

Кузатув кенгаши аъзолари:

Кадирходжаев Аъзам
Алишеревич

Кузатув кенгаши аъзоси, давлат вакили

Насиров Жон

Кузатув кенгаши аъзоси, давлат вакили

Набиев Тўлқин Набиевич

Кузатув кенгаши аъзоси, давлат вакили

Тангриев Санжар
Шамсикулович

Кузатув кенгаши аъзоси, давлат вакили

Ахмедов Шарофиддин
Шодимуродович

Кузатув кенгаши аъзоси, давлат вакили

Таклиф этилганлар:

Ш.П.Алимов

“Ўзбек геология кидирув” АЖ Бошқарув
раиси

Р.В.Раджапов

Жамият бошқарув раиси ўринбосари-
молиявий директор

С.М.Кахаров

Жамият Молиявий-иқтисодий ҳисоботлар
бошқармаси бошлиғи

Ф.А.Умаров

Жамият инсон ресурсларини бошқариш ва
ривожлантириш бўлими бошлиғи

Т.Ш.Расулов

Жамият Корпоратив алоқаларни
ривожлантириш бўлими бошлиғи-кузатув
кенгаши котиби

Б.М.Суюнов

Жамият Корпоратив маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари
ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (кейинги
ўринларда - Қонун)нинг 78-моддасига асосан “Ўзбек геология кидирув” АЖ
(кейинги ўринларда – Жамият) Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш

учун кворум Жамият Уставида белгиланган бўлиб, унга асосан Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75%дан кам бўлмаслиги лозим.

Йиғилиш кворуми –100 %.

Кузатув кенгашининг мазкур мажлиси ваколатли деб ҳисобланади.

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарори ижроси бўйича “Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ижроия органи ҳисоботини эшитиш.

2. “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав капиталини кўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтириш.

3. “Ўзбек геология қидирув” АЖ кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.

4. “Ўзбек геология қидирув” АЖ ташкилий тузилмасининг янги таҳрирдаги лойиҳасини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият Бошқарув раиси Ш.Алимов сўзга чиқиб, кузатув кенгаши аъзоларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги “Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-187-сон қарорига асосан “Ўзбек геология қидирув” АЖ унинг тасарруфига “Регионалгеология” давлат муассасасининг тегишли активларини баланс (қолдиқ) қийматда кўшиб олиш орқали қайта ташкил этиш ва “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав фондининг миқдори “Регионалгеология” давлат муассасаси мулкнинг баланс (қолдиқ) қиймати асосида оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2024 йил 28 майда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида 64-сон буйруғи” ва “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг 2024 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 28 майдаги 64-сон буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 51-сон буйруғи қабул қилинган.

Юқоридаги Қарор ва буйруқлар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳлар томонидан жойларга чиқилиб, “Регионалгеология” ДМдан тегишли активлар қабул қилиниб олинди.

2024 йил 9 июлда “Регионалгеология” ДМ томонидан топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида **116 276 486 486** сўмлик қуйидаги активлар “Ўзбек геология қидирув” АЖга топширилди (илова қилинади):

Активлар номи	Баланс (қолдиқ) қиймати	Илова
---------------	-------------------------	-------

Асосий активлар	91 381 888 196,45	1
Номодий активлар	4 687 887 968,02	2
Товар-моддий бойликлар	20 206 710 322,03	3
Жами	116 276 486 486,50	

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, овоз бериш учун қуйидаги таклифлар киритилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарори ижроси бўйича “Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида жамият Бошқарув раиси Ш. Алимовнинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” - 5 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

Кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан жамият кузатув кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарори ижроси бўйича “Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида жамият Бошқарув раиси Ш. Алимовнинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масала юзасидан Жамият Корпоратив маслаҳатчиси Б.Суюнов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Қўшимча акциялар фақат жамият уставига белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, **агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.**

Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамият ягона акциядорининг 2024 йил 9 июлдаги 153/09-2-qr-сон қарори билан тасдиқланган жамият Уставининг 9.3-бандига асосан **жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 10 сентябрдаги 02/09-17/2771-сонли хатида жамиятнинг устав капиталини ошириш масаласини тегишли бошқарув органи қарори асосида амалга ошириш белгиланган.

Қонунинг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав жамғармаси кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланганини лозимлиги белгиланган.

Бугунги кунда, жамият устав капиталини қуйидаги манбаалар ҳисобига ошириш лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон қарорининг “Навоийуран” давлат корхонаси томонидан ишлаб чиқаришни кескин ошириш ва трансформация дастурларини жадаллаштириш бўйича 2022 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасига (5-илова 6 (б)-банд) асосан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Широқ кўчаси 110-уйдаги ишлаб чиқариш базасини ҳамда Навоий вилояти, Конимех тумани Кўкча МФЙда автотранспорт гараж майдонида жойлашган намуна майдалаш цехи ва намуна дубликатларини сақлаш омборхонасини “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав капиталига баланс қийматида ўтказиш белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 28 сентябрда мазкур объектлар топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида **7 822 355 671 сўм 18 тийин** баланс (қолдиқ) қийматда “Ўзбек геология қидирув” АЖ топширилган (илова қилинади).

2. 2020-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология кўмитаси (ҳозирда *Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги*) томонидан республика минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари доирасида **220 974 020 290 сўм 27 тийин** ускуналар, автотранспорт воситалари ҳамда асосий воситалар харид қилинган бўлиб, “Ўзбек геология қидирув” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Қизилқумгеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Хисоргеология” АЖларига Кўмитанинг тегишли фармойишларига асосан жамиятлар балансига устав фондини ошириш ҳисобига ўрнатилган тартибда қабул қилиб олиш белгиланган (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сонли Қарорига асосан “Қизилқумгеология” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Хисоргеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Марказий лаборатория” ДУК ва “Геобуртехника” ДУКларни бирлаштириш йўли билан улар негизида “Ўзбек геология қидирув” АЖ ташкил этилган бўлиб, барча мол-мулклар Жамият балансида юритилиб келинмоқда.

Жамият таъсис ҳужжатларига тегишли мол-мулклар эвазига устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилмаган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарорига асосан (5-банд) “Ўзбек геология қидирув” АЖ унинг тасарруфига “Регионалгеология” ДМнинг тегишли активларини баланс

(қолдик) қийматда қўшиб олиш орқали қайта ташкил этиш, бунда “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав фондининг миқдори “Регионалгеология” ДМ мулкнинг баланс (қолдик) қиймати асосида оширилиши белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 9 июлда “Регионалгеология” ДМнинг барча активлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида **116 276 486 486 сўм 50 тийин** баланс (қолдик) қийматда “Ўзбек геология қидирув” АЖга топширилган (*илова қилинади*).

Шунингдек, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 3 октябрдаги 02/09-2-20/3003-сонли хати ва Агентликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2024 йил 7 октябрдаги 184-сонли (ХДФУ) ва 11 октябрдаги 187/1-сонли (ХДФУ) буйруқларига асосан Жамиятнинг устав фондини **345 072 862 447 сўмга** ошириш белгиланган.

Ўз навбатида, битта акциянинг номинал қийматида мувофиқлиги таъминланганини лозимлиги инобатга олиб, берилаётган активларнинг баҳоси **345 072 862 447 сўм 95 тийин** ҳамда олдинги устав фондини камайтиришда (*Ягона акциядорининг 2024 йил 19 апрелдаги 90/09-2-qr-сон қарори*) давлат активи сифатида ҳисобга олиниши белгиланган **60 сўм** ҳисобланган ҳолда **345 072 862 500** (*уч юз қирқ беш миллиард етмиш икки миллион саккиз юз олтиш икки минг беш юз*) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик **3 450 728 625** (*уч миллиард тўрт юз эллик миллион етти юз йигирма саккиз минг олтиюз йигирма беш*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни чиқариш мақсадга мувофиқ ҳисоблаш ва **7 сўм 95 тийин** Жамият томонидан кейинги қўшимча акциялар чиқарилувида давлат активи сифатида ҳисобга олинади.

Қонуннинг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

Қонуннинг 34-моддасига асосан акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар жамият уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай ваколат берилган бўлса, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамият уставининг 9.3-бандига асосан акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Жамият устав капиталига киритилиши лозим бўлган маблағларнинг ҳисоб-китобини инобатга олиб, “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг **3 450 728 625** дона эгасининг номи ёзилган оддий, номинал қиймати 100 сўм, умумий қиймати **345 072 862 500 сўмлик** Ўзбекистон

Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпик обуна бўйича жойлаштириладиган қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, овоз бериш учун қуйидаги таклифлар киритилди:

1. Қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон ва 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарорларини;

- Жамият Ягона акциядорининг 2024 йил 19 апрелдаги 90/09-2-qr-сон қарорини;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг (ҳозирда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги) Фармойишларини

- Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 3 октябрдаги 02/09-2-20/3003-сон хати ва Давактив агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2024 йил 7 октябрдаги 184-сонли (ХДФУ) ва 11 октябрдаги 187/1-сонли (ХДФУ) буйруқларини **маълумот ва ижро учун қабул қилиш.**

2. Битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланганини лозимлиги инобатга олиб, берилаётган мулкнинг баҳоси **345 072 862 447** сўм 95 тийин ҳамда олдинги устав фондини камайтиришда (Ягона акциядорининг 2024 йил 19 апрелдаги 90/09-2-qr-сон қарори) давлат активи сифатида ҳисобга олиниши белгиланган 60 сўм ҳисобланган ҳолда **345 072 862 500** (уч юз қирқ беш миллиард етмиш икки миллион саккиз юз олтмиш икки минг беш юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик **3 450 728 625** (уч миллиард тўрт юз эллик миллион етти юз йигирма саккиз минг олтиюз йигирма беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни чиқариш мақсадга мувофиқ ҳисоблаш ва **7 сўм 95 тийин** Жамият томонидан кейинги қўшимча акциялар чиқарилувида давлат активи сифатида ҳисобга олиш.

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати **345 072 862 500** (уч юз қирқ беш миллиард етмиш икки миллион саккиз юз олтмиш икки минг беш юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик **3 450 728 625** (уч миллиард тўрт юз эллик миллион етти юз йигирма саккиз минг олтиюз йигирма беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар чиқариш.

Қўшимча чиқариладиган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартларини қуйидагича тасдиқлаш:

жойлаштириш усули: акциялар ёпик обуна йўли билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштириш;

жойлаштириш муддати: акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштириш;

жойлаштириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг тегишли савдо майдончаларида битим тузиш орқали қонунчиликда ва савдо қоидаларида ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

акциялар учун тўловларни тўлаш тартиби ва шартлари: Давлат геология қўмитаси (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги) фармойишларига асосан ускуналар, автотранспорт воситаларини ва асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, ҳисобварақ фактуралари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон қарорига асосан “Уранкамёбметгеология” АЖдан топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида олинаётган активлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарорига асосан “Регионалгеология” ДМдан топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида олинаётган активлар “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятига унинг устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига бериш орқали амалга ошириш.

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда жамият томонидан ўн кунлик муддатда акциялар тўлови сифатида олинган мулклар белгиланган тартибда қайтариш.

2. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” - 5 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

Кун тартибидаги **иккинчи ва учинчи** масала юзасидан жамият кузатув кенгаши **қарор қилади:**

1.1. Қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон ва 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарори қарорлари;

- Жамият Ягона акциядорининг 2024 йил 19 апрелдаги 90/09-2-қғ-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг (ҳозирда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги) Фармойишлари;

- Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 3 октябрдаги 02/09-2-20/3003-сон хати ва Агентликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2024 йил 7 октябрдаги 184-сонли (ХДФУ) ва 11 октябрдаги 187/1-сонли (ХДФУ) буйруқлари **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

1.2. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати **345 072 862 500** сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик **3 450 728 625** дона эгасининг номи ёзилган қўшимча оддий акциялар чиқарилсин.

Жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича тасдиқлансин:

жойлаштириш усули: акциялар ёпиқ обуна йўли билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилсин;

жойлаштириш муддати: акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилсин;

жойлаштириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг тегишли савдо майдончаларида битим тузиш орқали қонунчиликда ва савдо қоидаларида ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

жойлаштириш баҳоси: ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 сўмдан жойлаштирилсин.

акциялар учун тўловларни тўлаш тартиби ва шартлари:

ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

- Давлат геология қўмитаси (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги) фармойишларига асосан ускуналар, автотранспорт воситаларини ва асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, ҳисобварақ фактуралари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон қарорига асосан “Уранкамёбметгеология” АЖдан топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида олинаётган активлар қолдик (баланс) қийматида;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарорига асосан “Регионалгеология” ДМдан топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида олинаётган активлар қолдик (баланс) қийматида “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятига давлат улушини ошириш ҳисобига бериш орқали амалга оширилади.

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда жамият томонидан ўн кунлик муддатда акциялар тўлови сифатида олинган мулклар белгиланган тартибда қайтарилсин.

1.3. Битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминлаш учун, берилаётган мулкларнинг қиймати ҳамда чиқарилаётган акцияларнинг қиймати ўртасидаги 7 сўм 95 тийинлик фарқ Жамият томонидан кейинги чиқарилишларда давлат активи сифатида ҳисобга олинсин.

2. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Корпоратив алоқаларни ривожлантириш бўлими бошлиғи Т.Расулов сўзга чиқиб, кузатув кенгаши аъзоларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 9 июлда “Регионалгеология” ДМ барча мулклари (активлари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида “Ўзбек геология қидирув” АЖ топширилди ва Жамият тасарруфига ўтаётган “Регионалгеология” ДМ ишчи ходимларини, жумладан малакали мутахассисларни сақлаб қолиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш,

шунингдек уларни иш билан таъминлаш мақсадида “Ўзбек геология қидирув” АЖга ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамият ягона акциядорининг 2024 йил 09 илдаги 153/09-2-qr-сонли қарори билан жамиятнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқланиб, унга асосан “Регионалгеология” ДМнинг фаолият турлари, хизматлари “Ўзбек геология қидирув” АЖга ўтказилган.

Жамиятга “Регионалгеология” ДМдан ўтаётган ишчи-ходимларни белгиланган тартибда ишга олиш ва уларни иш билан таъминлаш учун, қўшимча 757 иш ўринларини яратиш ҳамда бунинг учун жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон қарорига асосан 2024 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, жумладан бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун кузатув кенгашига бўйсунадиган корпоратив котибият ташкил этилиши белгиланган.

Шу муносабат билан жамият Бошқаруви томонидан жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди (*илова қилинади*).

Қонунинг 59-моддасига ва жамият уставига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ягона акциядор ваколатига киради.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, овоз бериш учун қуйидаги таклифлар киритилди:

1. Қуйидаги:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон ва 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарорлари;

- Жамият ягона акциядорининг 2024 йил 09 илдаги 153/09-2-qr-сонли қарорини **маълумот ва ижро учун** қабул қилиш.

2. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси маъқуллаш ва тасдиқлаш учун ягона акциядор муҳокамасига киритиш.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Бошқарув раиси Ш.Алимовга юклаш.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” - 5 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала юзасидан жамият кузатув кенгаши **қарор қилади:**

1. Қуйидаги:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон ва 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарорлари;

- Жамият ягона акциядорининг 2024 йил 09 илдаги 153/09-2-qr-сонли қарори **маълумот ва ижро учун** қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси маъқуллансин ва тасдиқлаш учун ягона акциядор муҳокамасига киритилсин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Бошқарув раиси Ш.Алимовга юклатилсин.

Йиғилиш раиси Кузатув кенгаши аъзоларини ва барча иштирокчиларни мажлисда иштирок этганлиги учун миннатдорчилик билдириб мажлисни ёпик деб эълон қилди.

Кузатув кенгаши раиси



Кадирходжаев Аъзам
Алишерович

Кузатув кенгаши котиби



Расулов Тохир
Шерматович

Кузатув кенгаши аъзолари



Насиров Жон



Набиев Тўлқин
Набиевич



Тангриев Санжар
Шамсикулович



Ахмедов Шарофиддин
Шодимуротович

Корпоратив маслаҳатчи



Суюнов Бобомурод
Мамаражабович

Танишдим:

Жамият Бошқарув раиси



Алимов Шамсиддин
Пахритдинович